

Давлат тиббий
суғуртаси жамғармасининг
27.12.2024 йилдаги
№ 88 сонли бўйруғига
ИЛОВА



Ижро этувчи директор
Ўринбосари

У. Кандимов

ҲИСОБ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси

Ташкилот номи: Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)

Ҳуқуқий шакли: Давлат муассасаси

Фаолият тури: Медицина ва маданий хизматлар кўрсатишни таъминловчи муассасалар фаолиятини бошқариш, ижтимоий таъминотдан ташқари бошқа ижтимоий хизматлар

Ҳисоб сиёсати тасдиқланган сана: 27.12.2024 йил

Асосий меъёрий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги ЎРҚ-404-сонли қонуни;

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (Адлия вазирлиги 22.12.2010 йил, рўйхат рақами 2169);

Ягона счётлар режаси (2-сонли БҲС) (Адлия вазирлиги 20.10.2018 йил, рўйхат рақами 3078);

Бюджет ҳисоботи (3-сонли БҲС) (Адлия вазирлиги 18.01.2019 йил, рўйхат рақами 3124);

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати (1-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 06.08.2024 йил, рўйхат рақами 3544);

Товар-моддий захиралар (4-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 30.06.2020 йил, рўйхат рақами 3259);

Асосий воситалар (5-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 09.08.2024 йил, рўйхат рақами 3546);

Номоддий активлар (7-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 09.08.2024 йил, рўйхат рақами 3547);

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (9-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 27.12.2024 йил, рўйхат рақами 3592);

Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 12.08.2024 йил, рўйхат рақами 3548);

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби (22-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 19.12.2024 йил, рўйхат рақами 3587);

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ги 611-II-сонли қонуни.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу ҳисоб сиёсати Жамғарманинг бухгалтерия ҳисоби усуллари тўплами бўлиб, бирламчи кузатиш, харажатларни ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва фаолият фактларини яқуний умумлаштириш учун хизмат қилади.

1.2. Бухгалтерия ҳисоби усуллариға фаолият фактларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини ўзгариши, ҳужжат айланишини ташкил этиш, инвентаризация қилиш, бухгалтерия счётлар режасидан фойдаланиш, бухгалтерия регистрларини ташкил этиш ва маълумотларни қайта ишлаш усуллари қиради.

1.3. Ушбу ҳисоб сиёсати 01.01.2025 йилдан бошлаб амалга киритилади ва йилдан-йилга узвий равишда қўлланилади.

1.4. Ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди.

1.5. Жамғарманинг ҳисоб сиёсатини қуйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

а) Жамғарма қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилганда, бўлинганда, қўшиб олинганда);

б) мулкчилик шакли ўзгарганда;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ёки бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгаришлар бўлганда;

г) бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда;

д) ўзгартиришлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга қўмаклашганда.

1.6. Ҳисоб сиёсатининг ўзгартирилиши Жамғарма ижро этувчи директорининг тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади. Ўзгартирилган ҳисоб сиёсати тегишли бўйруқ чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан қўлланилади.

1.7. Жамғармада биринчи имзо ҳуқуқига Ижро этувчи директор ва Ижро этувчи директорнинг биринчи ўринбосари эга. Иккинчи имзо ҳуқуқига бош бухгалтер ва Жамғарма раҳбарияти ваколат берган бошқа шахслар эга бўлади. Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

1.8. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган мол-мулклар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш мол-мулкларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади, белгиланган тартибда бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинади.

1.9. Мазкур Ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш вақтига Намунавий шаклларда назарда тутилмаган ҳўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллариға эҳтиёж мавжуд эмас.

1.10. Намунавий шакллари назарда тутилмаган, ҳўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шаклларини жорий қилиш ушбу Ҳисоб сиёсатига қўшимчалар киритиш йўли билан амалга оширилади.

2. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР

2.1. Асосий воситалар бўйича ҳисоб сиёсати қуйидагиларда белгиланган қоидалар бўйича шакллантирилади:

Асосий воситалар (5-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 09.08.2024 йил, рўйхат рақами 3546);

Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 12.08.2024 йил, рўйхат рақами 3548).

2.2. Асосий воситалар учун ҳисоб сиёсатининг асосий жиҳатлари асосий воситалар объектлари сифатида активларни тан олиш мезонлари, дастлабки қийматни баҳолаш, гуруҳлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш, қайта баҳолаш ва инвентарлаш усуллари ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг тан олиниши

2.3. Асосий воситалар (5-сонли БҲМС) 3 бандидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатида активлар асосий воситалар деб тан олинади. Асосий воситалар - ташкилотнинг узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳўжалик фаолиятини юритишда, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган, шунингдек ижарага бериш мумкин бўлган моддий активлар. Балансда Жамғармага мулкчилик, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган асосий воситалар ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг амортизацияси

2.4. Жамғармада амортизацияни ҳисоблашнинг тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулдан фойдаланилади.

амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш - амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш

2.5. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш усулидан фойдаланилади.

дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш усули - асосий воситалар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақаланган асосий воситалар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш.

2.6. Ўзбекистан статистика органлари томонидан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида индекс усулини қўллаш учун ҳар йили 31 декабрга қадар тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Мазкур усулда эскириш суммаси тегишли индексларга кўпайтириш орқали индексацияланади.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш

2.7. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, улар юзага келган тақдирда, бевосита ҳисобдан чихариш йули билан амалга оширилади.

Асосий воситаларни инвентарлаш

2.8. Ҳисобот йилидаги инвентарлашлар йил якуни билан амалга оширилади.

2.9. Асосий воситаларнинг инвентарь рақами тузилмаси UzASBO дастурий мажмуасида автоматик шакллантирилади.

3. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР

3.1. Номоддий активлар бўйича ҳисоб сиёсати қуйидаги БҲМСлар қоидаларига кўра тузилади:

Номоддий активлар (7-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 09.08.2024 йил, рўйхат рақами 3547);

Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 12.08.2024 йил, рўйхат рақами 3548).

Номоддий активларнинг тан олиниши

3.2. Номоддий активлар (7-сонли БҲМС) 5 бандидан келиб чиққан ҳолда тан олинади. Номоддий активлар — ташкилот томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк объектлари.

3.3. Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;

давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш;

ишончлилик, яъни актив ва унга бўлган мутлак ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасининг мавжудлиги;

идентификациялаш имконияти, бу дегани ажраладиган бўлса, яъни уни Жамғармадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айирбошлаш (гудвиллдан ташқари) мумкин бўлса ёки шартномавий ва бошқа юридик ҳуқуқлардан, бу ҳуқуқлар бошқаларга ўтказиладиган ёки

Жамғармадан ажратиладиган ёхуд, бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ажралишидан қатъи назар, номоддий актив идентификацияланадиган деб ҳисобланади.

НМАларни ҳисобга олиш усули

3.4. НМАларни дастлаб тан олингандан сўнг улар молиявий ҳисоботда қайта баҳоланган киймат (муқобил усул) бўйича ҳисобга олинади.

НМАларни амортизациялаш

3.5. Номоддий активларнинг амортизация меъёри йиллик 20 фоизни ташкил этади.

3.6. Номоддий активларнинг амортизацияси тўғри чизикли усулда амалга оширилади.

НМАларни инвентарлаш

3.7. Ҳисобот йилидаги инвентарлашлар йил якунлари билан амалга оширилади.

4. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР

4.1. Товар-моддий захираларга доир ҳисоб сиёсати қуйидагиларга мувофиқ шакллантирилган:

Товар-моддий захиралар (4-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 30.06.2020 йил, рўйхат рақами 3259);

Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 12.08.2024 йил, рўйхат рақами 3548).

ТМЗларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг қўлланиши

4.2. ТМЗларни ҳисобга олиш тизимининг узлуксиз (доимий), яъни ТМЗларнинг узлуксиз ҳисобга олиш тизимидан фойдаланилади. Бунда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш счётларида уларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши бўйича операциялар батафсил акс эттириб борилади.

ТМЗларни ҳисобдан чиқаришда баҳолаш

4.3. Жамғармага келиб тушган ТМЗ ларни ҳисобдан чиқаришда вақт бўйича биринчи харидлар пайтида ТМЗлар таннархи бўйича (FIFO) ҳисобдан чиқариш усулидан фойдаланилади. ТМЗларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган захираларнинг киймати киради, давр охиридаги товар-моддий захиралар киймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар бирликларининг умумий кийматидан ташкил топади.

5. ВАЛЮТА КУРСИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

5.1. Валюта курсидаги фарқларни ҳисобга олиш бўйича ҳисоб сиёсати қуйидагиларга мувофиқ шакллантирилган:

Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш (19-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 12.08.2024 йил, рўйхат рақами 3548);

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби (22-сонли БҲМС) (Адлия вазирлиги 19.12.2024 йил, рўйхат рақами 3587).

5.2. Жамғарма баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойининг охириги санаси ва хўжалик операцияларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича жамғариш усулида - ижобий курс фарқлари - кечиктирилган даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида, салбий курс фарқлари — кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда кўрсатилади.

5.3. Молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига қараб курсдаги фарқлар чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича - уларни сўндириш (ёки ҳисобдан чиқариш)нинг боришига қараб, қолган ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан биргаликда хўжалик операцияларини содир этишнинг боришига қараб ҳисобдан чиқарилади. Бунда кечиктирилган даромадлар ва харажатлар счётларида мос равишда акс эттирилган ижобий

ва салбий курс фаркларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойининг охиридаги чет эл валютасининг 1 бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача миқдори бўйича амалга оширилади.

6. СЧЁТЛАР ИШ РЕЖАСИ

6.1. Жамғарма молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини Ягона счётлар режасига (2-сонли БҲС) (Адлия вазирлиги 20.10.2018 йил, рўйхат рақами 3078) асосан юритади.

Счётлар режаси		Счётлар номи	Счёт тури
Бўлим	Кичик бўлим		
1-боб. Жорий активлар			
100	0	Жорий активлар	
102	0	Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари	A
102	400	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	
102	401	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси	
102	403	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар	
102	404	Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари	
102	410	Вазирликлар ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари	
102	414	Таксимланадиган маблағлар	
102	416	Бошқа депозитлар	
102	418	Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар	
102	419	Кредитлар	
104	0	Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари	A
104	100	Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджет бўйича маблағлари	
104	110	Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари	
104	120	Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари	
104	400	Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджетдан ташқари маблағлари	
104	410	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар	
104	430	Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари	
104	440	Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар	
104	450	Бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар	
104	460	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар	
104	470	Таксимланадиган маблағлар	
105	0	Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари	A
105	300	Бюджет ташкилотларининг хорижий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари	
107	0	Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги маблағлари	

109	0	Нақд пул маблағлари	A
109	100	Миллий валютадаги нақд пул маблағлари	
109	200	Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари	
110	0	Бошқа пул маблағлари	A
111	0	Йўлдаги пул маблағлари	
111	100	Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	300	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	301	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларга ўтказилган маблағлар	
111	302	Бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	309	Ўқув муассасаларида ўқишдан тушаётган пул маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	310	Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	320	Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	321	Кредит маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	
111	400	Конвертация учун транзит ҳисоб рақамига ўтказиб берилган маблағлар	
111	500	Ҳисоб-китоб клиринг палатасига ўтказилган маблағлар	
111	900	Йўлдаги бошқа маблағлар	
112	0	Аккредитивлар	
113	0	Пул эквивалентлари	
120	0	Молиявий маблағлар бўйича жорий дебитор қарзлар	A
121	0	Қисқа муддатли депозитлар	
121	100	Қисқа муддатли ички депозитлар	
121	200	Қисқа муддатли ташқи депозитлар	
130	0	Бюджетлараро муносабатлар бўйича дебитор қарзлар	A
146	0	Ўтган йилги дебиторлик қарздорликлар, камомадлар, текширув натижасига кўра тўловлар бўйича даромадларнинг дебитор қарзлари	
150	0	Бюджет ташкилотларининг дебитор қарзлари	A
151	0	Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари	
151	100	Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари	
151	200	Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари	
151	300	Бюджет ташкилотларининг суғурта бўйича тўловларидан дебитор қарзлари	

151	400	Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари	
151	900	Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари	
152	0	Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан дебитор қарзлари	
152	100	Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан дебитор қарзлари	
152	200	Бюджет ташкилотларининг ижтимоий солиқ бўйича дебитор қарзлари	
152	300	Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича дебитор қарзлари	
152	400	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари	
153	100	Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари	
153	200	Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича дебитор қарзлари	
153	300	Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари	
153	400	Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича дебитор қарзлари	
154	0	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари	
160	0	Товар-моддий захиралар	A
161	0	Хом ашё ва материаллар	
161	300	Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари	
161	310	Ёқилғи нефт маҳсулотлари	
161	320	Суюлтирилган газ	
161	330	Кўмир	
161	340	Бошқа турдаги ёнилғи материаллари	
161	400	Хўжалик ва канцелярия маҳсулотлари	
161	410	Хўжалик маҳсулотлари	
161	420	Канцелярия маҳсулотлари (қоғоздан ташқари)	
161	430	Қоғоз	
161	500	Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-ғилофлар	
161	510	Кийим-кечак ва пойабзаллар	
161	600	Қурилиш материаллари	
161	700	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар	
161	900	Бошқа хом ашё ва материаллар	
165	0	Ҳарбий захиралар	
170	0	Товар-моддий захираларга харажатлар	A
180	0	Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар	A
2-боб. Узоқ муддатли активлар			
210	0	Молиявий маблағлар бўйича узоқ муддатли дебитор қарзлар	A
211	0	Узоқ муддатли депозитлар	
211	100	Узоқ муддатли ички депозитлар	
211	200	Узоқ муддатли ташқи депозитлар	
216	0	Бюджет ташкилотлари томонидан ходимларга берилган ссудалар	
220	0	Номолиявий активлар	A
221	0	Асосий воситалар	

221	100	Бино ва иншоотлар	
221	110	Тураржой бинолари	
221	120	Нотураржой бинолари	
221	130	Бошқа иншоотлар	
221	140	Ерни ободонлаштириш	
221	200	Машина ва жиҳозлар	
221	210	Транспорт воситалари	
221	220	Машина ва жиҳозлар (транспорт воситаларидан ташқари)	
221	221	Информацион, компьютер ва телекоммуникацион жиҳозлар	
221	222	Бошқа турдаги машина ва жиҳозлар	
221	300	Бошқа турдаги асосий воситалар	
221	312	Кўп йиллик дарахтлар ва ўсимлик ресурслари	
221	320	Интеллектуал мулк объектлари	
221	321	Тадқиқот ва ишланмалар	
221	323	Компьютер дастурий таъминоти	
221	324	Маълумотлар базаси	
221	326	Бошқа турдаги интеллектуал мулк объектлари	
221	330	Кутубхона фонди	
221	332	Бадий китоблар фонди	
221	339	Бошқа турдаги кутубхона фонди	
222	0	Қийматликлар	
223	0	Ноишлаб чиқариш активлари	
223	100	Ер	
223	200	Минерал ва энергия ресурслари	
223	300	Бошқа турдаги табиий активлар	
223	310	Номаҳсулдор биологик активлар	
223	320	Сув ресурслари	
223	330	Бошқа турдаги табиий ресурслар	
223	331	Радиочастота спектри	
223	332	Бошқа табиий ресурслар	
223	400	Номоддий ноишлаб чиқариш активлари	
223	410	Шартнома, лизинг ва лицензиялар	
223	411	Тижорий оператив лизинг	
223	412	Табиий ресурслардан фойдаланишга рухсатнома	
223	413	Маълум турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома	
223	414	Келгуси товар ва хизматларга имтиёзли эгалик қилишга рухсатнома	
223	420	Гудвилл ва маркетинг активлари	
230	0	Номолиявий активлар амортизацияси	КА
231	0	Асосий воситалар амортизацияси	
231	100	Бино ва иншоотлар амортизацияси	
231	110	Тураржой бинолари амортизацияси	
231	120	Нотураржой бинолари амортизацияси	
231	130	Бошқа иншоотлар амортизацияси	
231	140	Ерни ободонлаштириш амортизацияси	
231	200	Машина ва жиҳозлар амортизацияси	
231	210	Транспорт воситалари амортизацияси	
231	220	Машина ва жиҳозлар (транспорт воситаларидан ташқари) амортизацияси	
231	221	Информацион, компьютер ва телекоммуникацион жиҳозлар амортизацияси	

231	222	Бошқа турдаги машина ва жихозлар амортизацияси	
231	300	Бошқа турдаги асосий воситалар амортизацияси	
231	310	Етиштириладиган биологик активлар амортизацияси	
231	311	Ишчи ҳайвонлар амортизацияси	
231	312	Кўп йиллик дарахтлар ва ўсимлик ресурслари амортизацияси	
231	320	Интеллектуал мулк объектларининг амортизацияси	
231	321	Тадқиқот ва ишланмалар амортизацияси	
231	322	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш амортизацияси	
231	323	Компьютер дастурий таъминоти амортизацияси	
231	324	Маълумотлар базаси амортизацияси	
231	325	Кўнгилочар, кутубхона, бадий ва ижодий қийматликлар амортизацияси	
231	326	Бошқа турдаги интеллектуал мулк объектлари амортизацияси	
233	0	Ноишлаб чиқариш активларининг амортизацияси	
233	330	Бошқа турдаги табиий ресурслар амортизацияси	
233	331	Радиочастота спектри амортизацияси	
233	400	Номоддий ноишлаб чиқариш активларининг амортизацияси	
233	410	Шартнома, лизинг ва лицензиялар амортизацияси	
233	411	Тижорий оператив лизинг амортизацияси	
233	412	Табиий ресурслардан фойдаланишга рухсатнома амортизацияси	
233	413	Маълум турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома амортизацияси	
233	414	Келгуси товар ва хизматларга имтиёзли эгалик қилишга рухсатномалар амортизацияси	
233	420	Гудвилл ва маркетинг активлари амортизацияси	
240	0	Номолиявий активларга капитал қўйилмалар	А
241	0	Асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
241	100	Бино ва иншоотларга капитал қўйилмалар	
241	110	Тураржой биноларига капитал қўйилмалар	
241	111	Тураржой биноларини харид (қабул) қилиш	
241	112	Қурилиши тугалланмаган тураржой бинолари	
241	113	Тураржой биноларига бошқа капитал қўйилмалар	
241	120	Нотураржой биноларига капитал қўйилмалар	
241	121	Нотураржой биноларини харид (қабул) қилиш	
241	122	Қурилиши тугалланмаган нотураржой бинолари	
241	123	Нотураржой биноларига бошқа капитал қўйилмалар	
241	130	Бошқа иншоотларга капитал қўйилмалар	
241	131	Бошқа иншоотларни харид (қабул) қилиш	
241	132	Қурилиши тугалланмаган бошқа иншоотлар	
241	133	Бошқа иншоотларга бошқа турдаги капитал қўйилмалар	
241	140	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	
241	200	Машина ва жихозларга капитал қўйилмалар	
241	210	Транспорт воситаларига капитал қўйилмалар	
241	211	Транспорт воситаларини харид (қабул) қилиш	
241	212	Транспорт воситаларига бошқа капитал қўйилмалар	
241	220	Машина ва жихозларга (транспорт воситаларидан ташқари) капитал қўйилмалар	
241	221	Машина ва жихозларни (транспорт воситаларидан ташқари) харид (қабул) қилиш	
241	222	Машина ва жихозларга (транспорт воситаларидан ташқари) бошқа капитал қўйилмалар	

241	223	Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар	
241	300	Бошқа турдаги асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
241	310	Етиштириладиган биологик активлар	
241	311	Етиштириладиган биологик активларни харид (кабул) қилиш	
241	312	Етиштириладиган биологик активларга бошқа харажатлар	
241	320	Интеллектуал мулк объектлари	
241	321	Интеллектуал мулк объектларини харид (кабул) қилиш	
241	322	Интеллектуал мулк объектларига бошқа харажатлар	
241	400	Ҳарбий асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
242	0	Қийматликларга капитал қўйилмалар	
242	100	Қийматликларни харид (кабул) қилиш	
242	200	Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар	
243	0	Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар	
243	100	Ерни харид қилиш харажатлари	
243	200	Минерал ва энергия ресурсларига капитал қўйилмалар	
243	300	Бошқа турдаги табиий активларга капитал қўйилмалар	
243	310	Номаҳсулдор биологик активларга харажатлар	
243	320	Сув ресурсларига харажатлар	
243	330	Бошқа турдаги табиий ресурсларга харажатлар	
243	400	Номоддий ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар	
243	410	Шартнома, лизинг ва лицензияларга харажатлар	
243	420	Гудвилл ва маркетинг активларига харажатлар	
3-боб. Жорий мажбуриятлар			
340	0	Бюджет ташкилотларининг кредитор қарзлари	П
341	0	Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари	
341	100	Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари	
341	200	Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари	
341	300	Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари	
341	400	Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари	
341	900	Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари	
342	0	Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан кредитор қарзлари	
342	100	Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари	
342	200	Бюджет ташкилотларининг ижтимоий солиқ бўйича кредитор қарзлари	
342	300	Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича кредитор қарзлари	
342	400	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан суғурта бадали тўлови бўйича кредитор қарзлари	
342	500	Бюджет ташкилотларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлари бўйича кредитор қарзлари	
343	100	Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир кредитор қарзлари	
343	200	Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари	

343	300	Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари	
343	400	Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари	
343	700	Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари	
343	800	Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари	
343	900	Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ихтиёрий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари	
344	0	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари	
345	0	Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари	
4-боб. Узоқ муддатли мажбуриятлар			
420	0	Бюджет ташкилотларининг узоқ муддатли кредитор қарзлари	П
421	0	Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари	
421	100	Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари	
421	900	Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари	
5-боб. Ҳисобланган даромадлар			
503	0	Бюджетдан молиялаштириш	
520	0	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари	
520	300	Бюджет ташкилотини бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари	
520	310	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари	
520	400	Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари	
520	430	Ажратмалар ҳисобига шаклландиган вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар	
520	490	Бюджет ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари	
6-боб. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган ва берилган маблағлар			
630	0	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари	Т
7-боб. Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар			
700	0	Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар	Т
710	0	Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар	
720	0	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар	
741	0	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар	
750	0	Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар	
9-боб. Капитал ва молиявий натижалар			
900	0	Капитал ва молиявий натижалар	
901	0	Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган моддий қийматликлар	Т
901	100	Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган асосий воситалар	

901	200	Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган товар-моддий захиралар	
902	0	Беғараз (бепул) олинган ёки берилган моддий қийматликлар	Т
902	100	Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар	
902	200	Беғараз (бепул) олинган ёки берилган товар-моддий захиралар	
903	0	Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар	Т
909	0	Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш	Т
910	0	Бошқа реализация ва харажатлар	Т
911	0	Номолиявий активлар ва маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	
911	100	Номолиявий активлар реализацияси	
911	200	Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	
912	0	Бошқа харажатлар	
912	100	Тақсимланмаган харажатлар	
912	200	Давр харажатлари	
980	0	Бюджет ташкилотларининг жамғариб бориловчи молиявий натижалари	Т
981	0	Бюджет маблағлари бўйича молиявий натижа	
982	0	Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича молиявий натижа	
984	100	Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижа	
985	0	Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа	
986	0	Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар	
10-боб. Балансдан ташқари счётлар			
1		Оператив ижарага олинган асосий воситалар ва қийматликлар	БТС
2		Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар	БТС
3		Қатъий ҳисобот бланклари	БТС
4		Ишончсиз дебиторларнинг қарзларини харажатга чиқазилиши	БТС
6		Кўчма спорт совринлари ва кубоклари	БТС
7		Тўланмаган йўлланмалар	БТС
8		Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари	БТС
9		Ҳарбий техникаларнинг ўқув предметлари	БТС
10		Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари	БТС

7. БЮДЖЕТ ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИ

7.1. Жамғарма бюджет ҳисоби шакллари, тайёрланиш ва тақдим этиш муддатлари Бюджет ҳисоботи (3-сонли БҲС) (Адлия вазирлиги 18.01.2019 йил, рўйхат рақами 3124) да белинганган шаклларда ва муддатларда амалга оширилади.

7.2. Жамғармада бюджет ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботлари ижро этувчи аппарат томонидан тайёрланади. Жамғарма қўйи турувчи ташкилотларига юридик шахс мақоми берилмаган.

8. БУХГАЛТЕРИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

8.1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги ЎРҚ-404-сонли қонунига мувофиқ Жамғармада бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия бўлим ташкил этилади.

8.2. Жамғармада бухгалтерия ҳисоби UzASBO дастурий мажмуасида юритилади.

Бухгалтерия
бўлими бошлиғи



Ф. Киличев